

ЎСМИР ҚИЗЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ-АҲЛОҚИЙ ДУНЁҚАРАШЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

О. Қучқорова ¹

Аннотация:

Мақолада таълим масаласи, илм-маърифат, юртимиз тарихига назар, оила, шунингдек қизларнинг таълим-тарбиясига жамият ва оилада эътибор ҳақидаги фикрлар баён етилган.

Калит сўзлар: илм-маърифат, таълим, инновация, оила, ислоҳот, ижтимоий иқтисодий, тенг ҳуқуқлик, оммавий маданият, интеллектуал салоҳият.

doi: <https://doi.org/10.2024/s905mj18>

“Дунёдаги ҳар қайси давлат, ҳар қайси халқ биринчи навбатда ўзининг интеллектуал салоҳияти, юксак маънавияти билан қудратлидир. Бундай енгилмас куч манбаи эса, аввало инсоният тафаккурининг буюк кашфиёти-китоб ва кутубхоналарда.”

Ш.Мирзиёев

Дарҳақиқат бугун таълимга берилаётган эътибор юқори даражада. Халқимизнинг неча асрдан бери шаклланиб келган илм-маърифатга бўлган қизиқиш ва интилишини қўллаб-қувватлашга, уларга етарлича имконият эшикларини очиб беришга давлатимиз доимо ташаббус қилмоқда. Бунинг учун мамлакат бюджетидан йирик миқдордаги маблағлари таълим тизимига ажратилмоқда. Маълумки, ёшларимизнинг беғубор қалбида болаликдан қандайдир касб эгаси бўлишни орзу қилади. Бу табиий ҳодиса бўлиб, чунки инсон орзусиз яшай олмайди. Чунки, ким ўз орзусига эришишни мақсад қилса, бунинг учун дунёдаги барча соҳалар ҳақида маълумот берувчи манба бу-бебаҳо хазина китобдир.

Бугун илм-маърифат ва замонавий таълимга бўлган интилиш ҳамда эътибор юксак даражага чиқди. Чунки замон шиддат билан ўзгармоқда, ривожланмоқда, илм йўллари тобора такомиллашмоқда. Янгиданянги инновацион ғояларни жамият ривожини учун ишлаб чиқиш эҳтиёжи тобора ортиб бормоқда. Бу жараёнда албатта етакчи мутахассис кадрлар масаласи энг муҳим вазифа деб қаралмоқда. Мамлакат бошқарувидаги ютуқлар ҳамда ривожланган давлатлар қаторидан ўрин олиш учун албатта энг аввало салоҳиятли кадрларнинг билим ва тажрибаси алоҳида ўрин тутди. Бунинг негизида эса таълим масаласи ётади. АҚШлик серқирра ижодкор машҳур Бенжамин Франклин ёзиб қолдирганидек “Билимга инвестициялар доимо энг катта фойда келтиради”. Ёшларимиз кейинги йилларда, асл китобни ўқишдан кўра электрон адабиётларни мутолаа қилишни, аудио-китобни тинглашни маъқул кўришмоқда. Яъни замонавий мутолаа усулини танлашмоқда. Бу ҳол албатта яхши. Яқинда, бир гуруҳ ўсмир ёшлар билан ўтказилган очик мулоқотда, уларнинг қандай

¹ Қучқорова О.О., СамДТУ ўқитувчиси

мавзудаги китобларни ўқиётганлари билан қизиқдик. Уларнинг аксарият қисми бадиий адабиётлар, тарихий асарлар, психологияга оид асарлар, детектив китоблар, ҳаётий ва фантастик ҳикояларга қизиқишлари юқори эканлигини айтишди.

Айрим ёшлар эса, “Китобни интернетдан ўқиган афзалми ёки ўзини ўқиш маъқулми?” қабилидаги саволлар ҳам беришди. Албатта замонавий техник воситаларнинг бугунги кунда қулай имкониятлари мавжуд. Керакли китобларни улар воситасида ташкил этиш ҳам муаммо эмас. Аммо, ёшларимизнинг ёрқин келажагини белгилашда айнан китобдан ёки кутубхонадан бошлаш мақсадга мувофиқдир. Яна бир гап, китоб олами ниҳоятда катта ҳазина бўлиб, ҳеч бир инсон бу бойликни ўқиб охиригача ўқиш имкониятигача эга эмас.

Шунинг учун, ўсмир йигит-қизларимизнинг ҳаёти учун, келажакда кўзлаган мақсадларига эришишлари учун кўмаклашиши мумкин бўлган асарларни саралаб, муқобилларини тавсия этишда оила, мактаб, ўқитувчилар, қолаверса кексаларнинг тавсиялари муҳим аҳамиятга эгадир.

Мамлакатимиз мустақиллиги йиллари илм-маърифат, фан-таълимга бўлган эътибор сабаб, эришилган ютуқлар самараси аввалги даврларга нисбатан ўртадан юқори фойзаларни ташкил этгани рост. Бу кўрсаткич сўнгги йилларда янада ортиб бормоқда. Айниқса жамиятнинг эртаси бўлган қизларнинг таълим-тарбия олишига бўлган эътибор давлат сиёсати даражасига ошгани қувонарли ҳолдир. Ҳаёти давомида ўз мақсадига эришган буюк олимлар, ёзувчилар, давлат арбоблари ва бошқа касб эгаларининг хотираларига эътибор берилса, улар болалигидан кўп китоб ўқиганликларини, айрим асарлар уларнинг касб танлашларида беминнат устозлик қилганлигини мароқ билан эътироф этишади. Айрим тарихий шахслар эса, ҳаётда адашиб хато йўлга кирганларида, ўқиган китобларидаги қаҳрамонларнинг ҳатти-ҳаракати туфайли, ўлардан олган ибратлари туфайли тўғри йўлини топиб олганларини хотирлайдилар.

Шахс, оила ва оилавий муносабатлар фарзанд тарбияси масаласи бугунги кунда ўзининг тарихий, маданий, миллий ва умумбашарий қадриятларига эга Ўзбекистон давлатининг равнақи учун катта аҳамиятга эга. Камбағал оилада тўғилган ва болалиги инқирозли даврга тўғри келган америкалик ёзувчи Рэй Бредбери ўзининг буюк келажагини айнан китоб мутолаасидан кашф қилганлигини хотирлар экан шундай ёзади: “19 ёшимда коллежга кира олмадим, чунки оиламиз қашшоқ эди. Шунинг учун фақат кутубхонага борар эдим. Ҳафтасига уч кунни китоб ўқишга бағишлар эдим 27 ёшимда эса университет ўрнига кутубхонани мутлақо бепул тамомлаганман,” - дейди. Кейинчалик ижодкор ҳаёти давомида 800 дан ортиқ асарлар ёзган.

Бундай маълумотларни, хотираларни машҳур ўзбек шоир ва ёзувчиларининг хотираларида ҳам учратиш мумкин. Улар ўз асарларида тасирлаган қаҳрамонларининг ночорликдан омадсизликдан билим орқали, китобхонлик натижасида бой кишиларга айланганликларини тасвирлайди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Муҳими “китоб тарғиботи билан шуғулланадиган шахслар ўзлари китоб ўқиган билимлари, билимли, кенг мулоҳазали бўлишлари орқали атрофига кўплаб ёшларни, жамият учун фойдали ишларни амалга оширадиган келажак авлодни жипслаштиришлари мумкин. Ёшларни китоб ўқишга даъват қилар эканмиз, беихтиёр юртбошимизнинг “Бугун китоб ўқиб ўтирган бола эртага телевизор олдида ўтирган ўнта болани бошқариши мумкин,”- деган сўзлари ёдга тушади.

Оиладаги тарбия орқали шахсга маълум бир сиёсий-ғоявий дунёқараш, ахлоқий меъёрлар ва ҳулк намуналари, жисмоний сифатлар сингдирилади. Айниқса

қизларнинг ақлий, жисмоний, ахлоқий, эстетик тарбияси айнан оилада шаклланади. Уларнинг бўлажак она сифатида зиммасидаги фарзанд тарбиясидек масъулият борлигини инобатга олинса уларга кўпроқ эътибор қаратиш муҳимроқ саналади. Дарҳақиқат, айниқса ўсмир ёшларимизга ҳаётда ўз ўринларини топишлари учун қандай асарларни ўқиш лозимлигини кўрсатиб беришимиз учун ота-она, ўқитувчи, кутубхоначи ва яқин кишилар маъсулдир.

Чунки, келажагимиз бўлган ёш авлод маънавий етук шахс сифатида тарбиялашда зарур бўлган имон, эътиқод, инсонпарварлик, ахлоқ-одоб сабоқлари хазинаси китоб оламида жамланганлигини яхши биламиз.

Шунингдек жамиятнинг комил фуқаросини шакллантиришда, тарбиялашда келажақда она бўладиган илм-маърифатли қизларга ҳам боғлиқ жиҳатларини инобатга олинса мақсадга мувофиқ бўлади. Маълумки, инсоннинг асл қиёфаси унинг ширинсўзлиги, меҳрибонлиги, олижаноблиги сингари сифатлари билан намоён бўлади. Бу ижобий ҳислатлари бевосита гўзал сўзларни ишлатиши орқали, гўзал нутқи воситасида амалга оширилади. Китоб олаида эса бу ижобий сўз жамламаси мужассамланган бўлиб, улардан фойдаланиш учун китоб муроаласи муҳим манбадир. Бу ҳислат эса маънавият билан боғлиқ бўлиб ҳар қандай инсоннинг рўҳий, ақлий аламини ифодаловчи тушунчадир. Шундай экан, ҳар бир шахснинг ақлий заковатини ёритувчи илмга интилиш орқали, жамиятда асосий ўрин тутган фаолият билан амалга оширилади.

Бир сўз билан айтганда, инсоншуносликга йўл кўрсатадиган, ижобий маънода ҳаётда кўзлаган мақсадини белгилаб берадиган маънавий-маърифий хазинадир.

“Маънавият атамасининг кўлами ниҳоятда кенг бўлиб, бевосита инсон учун зарур бўлган фалсафий дунёқараш, ҳуқуқий илмга эга бўлиш, илмий, бадий тафаккур дунёси ҳақида тасаввур ҳамда ахлоқий, диний илмларнинг билимдони бўлиш билан изоҳланади.”

Аслида, балоғат ёшидаги йигит-қизлар, энг мураккаб, англаб бўлмас кечинмаларни бошидан кечираётган, тез ўзгарувчан феъл-атвори номоён бўладиган, ўзларининг ташқи кўринишларига бино қўядиган ўткинчи ҳис-туйғуларга бериладиган даврни ўтаётган бўлади. Олимлар айнан ана шу даврни икки тоифага ажратиб илмий талқин қиладилар. Яъни, зоҳирий ташқи ва ички кўриниш шаклига асосланиб уларнинг маънавияти, ахлоқи, дунёқарашига баҳо берадилар. Айниқса, ҳаётий тажрибага эга бўлмаган ўсмир ёшларда ташқи ва ички кўриниш содда ва самимий кўринишда аста-секинлик билан шаклланиб боради. Кейинчалик, бу икки бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган ички ва ташқи кўринишнинг ўзига хос кўринишлари намоён бўла бошлайди.

Табийки, оиладаги миллий ва умуминсоний қадриятлар бирлиги, маънавият-ахлоқий қадриятлар устивор бўлса, энг асосий ички маънавий олами бойиб боради. Ташқи оламига унинг бўйи-басти, кўриниши, кийиниши, ҳатти-ҳаракати ва бошқалар киради. Ички олами эса унинг яшашдан мақсади, фикр юритиш, орзу-истаклари, интилишлари, ҳис-туйғуларини ўз ичига олади. Инсоннинг ана шу ички олами маънавиятдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

[1]. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017.

- [2]. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 24 январь. // “Халқ сўзи” газетаси. 2020 йил 25 январь, № 19 (7521).
- [3]. Асқаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. - Тошкент.: “Университет”, 2007.
- [4]. Абдурауф Фитрат. Оила - ёки оила бошқариш тартиблари. - Тошкент: “Маънавият”, 2008.
- [5]. Алимова Д.А. Женский вопрос в Средней Азии: История изучения в современные проблемы. - Т.: “Фан”, 1991.
- [6]. Балтабаева М.М. Ўзбекистон Республикаси хотин-қизларининг кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришдаги иштироки (1991-2017 йиллар). – Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD) дисс. автореф. – Андижон, 2019.